

• **Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар**

СЕКРЕТАРЬ ҲАҚИҚАТНИ ЯШИРДИ

АММО КОММУНИСТЛАР ПРИНЦИПАЛЛИК БИЛАН НУҚСОНЛАРНИ
ОЧИБ ТАШЛАШДИ

Бошланғич партия ташкилотининг секретари Ш. Бозоров биро мундан ҳисобот докладын қиларкан, коммунистлар даярли ҳеч қимнинг оромини бузишни истамди. У фақатгина партия бюросининг аъзолари кўрсатган фаолиятсизлигини, бир неча коммунист аъзолари бадалларини ўз вақтида тўламаганини айтиди. Ҳолос.

Секретарь на ишчилар кооперацияси правленийес аъзолари, на жамоат ташкилотлари раҳбарларининг иш услубини танқидий таҳлил қилди, конкрет фактлар асосида камчиликларини юзларига солишни ўзига эп кўрмади. «Сен менга таълим мен сенига» принципи докладыда ўстирилди қилди. Чунки партия ташкилотини секретари директорлик қилаётган ишчилар кооперацияси ёрдамчи хўжалигининг ўзида ҳам нуқсон ва камчиликлар очиб-тошиб турибди-да.

Ромитан район халқ контоли комитетининг шу йил 4 февралда ўтган йиғилишидан қўйилган кўчирма буни яққол далиллаб турибди:

«Ёрдамчи хўжаликда йиғилма йилдан бўйи сермехнат жараёнларини механизациялаштириш тадбирлари қўрилмапти. 1986 йилда дағал ташкилот жамғарим пилани 45 процентга, 1987 йилда 35 процентга бахшланган. Ўтган йили ишчилар кооперацияси ходимлари жон бошига ҳар ойда бир килограммдан гўшт, 0,2 килограммдан сўт ишлаб чиқарилиди, ҳолос. Текшириш ўтказилган кунин сўғирлар сотувчининг ишга чиқмаганини учун соғиймай қолган...».

Ишдаги мана шундай нуқсонлар учун ҳам секретарь партия ташкилотини ҳисоботида турган ўттиз коммунистнинг кўпчилигини номини ҳисобот докладыда тилга олмаслигини афзал кўрди. Доклад юзасидан музокаралар ҳам шундай тартибда давом этади, деб умид бўлганча эди. Лекин унчичи бўлиб сўз олган товарищус А. Абдулов бу тартибни бузиб юборди.

Ҳисобот докладыда, — деди у, — бундан олдинги йиғилишларда бўлган каби, ишчиликда камчиликлар принципаллик билан очиб ташланмади. Ваҳоланки, савдо ишнинг ташкил этилишида ишларнинг ўзи кўпича кооператорни янғиёт қилишга ундамоқда.

Нотик бунга мисол тарзида ун комбинатида содир бўлаётган машамаларни келтирди. Белгиланган молиявий инструкторга кўра ҳар бир тонна молни машинага юклаш учун 500 тўйиндан ҳақ тўлаш кўзда тутилган. Ун комбинатида эса беш тонна маҳсулотни машинага юклаш учун мағзининг неча сўм тўлаётганини сўрайдиган киши топилмапти. Мағзини мудир машина ҳайдовчининг ҳам «сийла» қўймаса, у янага сафар базадан олган молнинг табиби бермапти. Бунинг устига комбинатдан олинатган ун ва гўруч микдори қопларда белгиланганидан анча кам чиқмоқда. Шунинг учун ҳам сотувчи харидорни алдаб, ундан уриб қолган маблағ билан моддий зарарининг ўзини қоплашга мажбур бўлмпти. Айрим сотувчилар эса ҳиёнаткорлик қилиб, бу зарарни уч-тўрт бадавара ошириб қоплаштиради.

БИЗНИНГ СПРАВКА: дар-ҳақиқат, ишчилар кооперацияси ходимлари партия ташкилотини ҳисоботида очирлиқ билан кўлга тушган коммунистлар ҳам бор. Жумладан, Ф. Файзуллаев унинг ёлғиз ном ҳисобига пуллаётган вақтда кўлга тушиб, ишчи тегвон оғирларига ошқирлиди. Яқинда бошланғич партия ташкилотини сотувчи С. Ҳожиёвнинг харидор қўлдан 4 сўм 54 тўйин уриб қолгани учун КПСС аъзоларидан чикариш тўғрисида қарор қабул қилди. Лекин бундай қарорларнинг барчаси ҳуқуқ-тартибот органлари фаолияти асосида қабул қилинмапти. Партия ташкилотини ўз ташаббуси билан савдо қондаларини бузганлиги учун бирон коммунистга жазо бергани йўқ.

Бошланғич ташкилот қолоқ устакларга ўтиб ишлашдан бўйин товлатаётган, отпускидан кейин 2—3 ойлаб бирон савдо тармоғини қабул қилмай бекор юрган коммунист ходимлар билан муросасозлик қила-тир. Улар қайси ҳисобдан турмуш кечираётганлигини принципаллик билан сўрашмапти. Шунинг оқибатида ишчилар кооперациясидаги 39 савдо тармоғидан 21 таси сурункасига товар обороти пиланларини уудаламапти.

Шундан кейин сўз олган сотувчи, Улуғ Ватан уруши

инвалиди, коммунист Т. Жўраев айрим партия аъзоларининг хизмат бурчини қандай ўтаётганини тўғрисида кўйинчаклик билан гапирди.

Кооператор — халқ хизматкори, — деди у. Лекин айрим магазин мудирларимиз пахта далаида йиғим-терим қилиш давом этганига қарамай пахтакорнинг оғирини енгил қилиш тўғрисида ташвишланмаптилар, баъзи ошхоналар, новобойхоналарнинг эшигига кулф осылган.

БИЗНИНГ СПРАВКА: «Октябрь 50 йиллиги» совхози далаидада бўлганимизда партия ва уруш ветерани қақадар ҳақ эканлигига тўла ишонч ҳосил қилдик. Совхознинг тўртинчи бўлими 5 бригадасидан Қ. Бозоров, Х. Ҳўраева, О. Рустамов бошлиқ оилавий пудратчилик аллақачон йиллик пиланлари бажарганлигини тўғрисида рапорт беришди. Айни маҳалда улар мажбурий ҳисобига ҳосил топширишмоқда. Бу азаматлар эрта тонгдан қоронғи тушгунча даладан чиқмайди. Ўйда эса ўсимлик мойи, қандшаклар, совун, кир ювиш содаси каби кундалик зарур нарсалар йўқ.

— Бундай бўюмлар билан кооператорлар доимий магазинларда савдо қилишди, — дейди шу бўлими ишчиси Р. Ҳамроева. — Теримчилик эса магазинга чиқишга вақти йўқ...

Ишчилар кооперацияси правленийес кўнча савдо деб ҳафтининг икки кунини област марказидаги бозорга бориб қилинаётган савдога зўр бермоқда. Транспорт воситалари, ёнлиги ресурслари мана шу мақсадга сафарбар этилмпти. Оқибатда пахтакор ишчига кўзда тутилган хизмат четдаги кишиларга кўрсатилмоқда.

— Партия ташкилотини коммунистлар сафини кенгайтириш тўғрисида ўйламапти, — деди ўз сўзида савдо бўлимининг мудирини Б. Нурматов. — Район партия комитети бу тўғрисида ҳамон «разнарядка» беришда давом этипти. Партия ташкилотини савдо ходимини эмас, ишчи ёки механизаторни қабул қилиш талаб этилмоқда. Мана шунинг учун ҳам умумий овқатланиш корхонамизда аттиги бир коммунист меҳ-

нат қилмоқда. Нон комбинатида ишловчилар ўртасида бу ҳам йўқ.

Йиғилишда сўзга чиққан област матбуот союзи автотехникасининг Ромитандаги автоконисани мудирини А. Деятаяев, умумий овқатланиш корхонаси технологи Х. Бўронов, кадрлар бўлимининг мудирини О. Курбанова, правление раиси Х. Панов савдо маданиятини оширишда партия ташкилотининг ролини кучайтириш тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Партия ҳисобот-сайлов йиғилишида совет ва хўжалик органлари меҳнаткашлар ахтиёжларини тўла қондириш тўғрисида етарли ғамхўрлик кўрсатмаётганлиги тўғрисида ҳам танқидий фикр-мулоҳазалар ай-тирди. Жумладан, фонд асосида тақсимланган кенг истеъмол моллари миқдори ва ҳажми тўғрисида белгиланганлиги, айниқса кичик размердаги кийим-кечак тақчиллиги, ўқув қуроллари етишмаслиги, мактаб ошхоналарида умумий овқатланиш қониксарсиз ташкил қилинганлигини сабаблари очиб берилди.

БИЗНИНГ СПРАВКА: ишчилар кооперацияси райондаги совхозлар территориясида истисмот қилинган 38 мингдан зиёд экинчилик қўлга киритади. Шуларнинг қачмақча ундан бир қисми мактаб йиғилиш бопларидир. Биринчи сентябрь арафасида эса ишчилар кооперацияси тармоғида савдо қилиш учун аттиги 556 та ўқувчилар папкаси акватилди. 32—44 размердаги ўқувчилар формаси эса савдо тармоғида умуман топилгани йўқ.

Мактаб ошхоналарида ҳам аҳвол ачинарли. Бундан икки йил муқаддам район Советининг иккунча комитетини мактаб ошхоналарига кўриш, сут, мева ва сабзавот ахтиёж тўғрисида алоҳида қарор қабул қилган эди. Аммо бу қарор қотоздалигича қолиб қетмоқда. Кооператорлар арзон масаллик йўқлиги учун ҳамон ўқувчиларга гўштсиз овқатлар пишириб беришга мажбур бўлмоқдалар.

Ромитанлик кооператорларнинг ҳисобот-сайлов йиғилишлари уларнинг ўртасида ишчи қайта қуриш позициясида турган коммунистлар борлигидан дарак берди. Аммо партия ташкилотини уларнинг куч-ғайратини бир мақсадга йўналтириш учун жанговарлик етишмапти. Янги сайланган партия бюроси аъзолари учун йиғилишда айтилган танқид яхши сабоқ бўлиши лозим.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мух-бири.

ПАРТИЯ ХОДИМИ СПРАВОЧНИГИ

«Партия ходими справочниги»нинг йиғирма сакин-зинчи китоби босмадан чиқди. Унга КПСС Марказий Комитети Пленумларининг материаллари, партия Марказий Комитети Сийсий бюросининг мажлислари, КПСС Марказий Комитетинида ўтган кенгашлар ва учрашувлар тўғрисидаги ахборотлар киритилган. КПСС Марказий Комитетининг, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг қарорлари, СССР Олий Совети Президиумининг фармонлари, СССР Министрлар Советининг қарорлари, СССР Касаба союзулари XVIII съездининг ва ВЛКСМ XX съездининг резолюциялари, ВЛКСМ ва ВЛКСМ Марказий Комитети пленумларининг қарорлари, бошқа хўжалиқ эълон қилинган.

Китобга 1987 йилнинг январдан декабргагача бўлган даврдagi материаллар киритилган. Хўжасатлар тегишли мавзуларга оид бўлимлар бўйича, бўлимлар ичида эса хронология тартибда жойлаштирилган.

Справочникни Сийсий адабиёт наприёти чиқарди.

(ТАСС).

• **Ишчи—фахрли ном**

Тошкент, 11-ўрта хўна-техника билим юртида таълим программасига янги ихтисослик киритилди. Ҳисоблаш программаси орқали бошқариладиган станокларни соловчи касби бўйича машгулотлар ўтказилмоқда. Йирик саноат корхоналари бўлажак ишчилар билан меҳнат шартномалари тузишди. Улар учун ишчи жойлари тайин бўлди.

Ишчи кўнани қўвонтиради. Ишлаб чиқариш устакхоналари замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган. Ўқув хоналарда компьютерлар ўрнатилган. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси институтларининг ёш олимлари программалар тузишда кўмаклашмоқдалар.

Бу ерда қардош Вьетнамдан келган 200 нафардан кўп йиғит ва қиз таълим ол-

М у н о с и б ўринбосарлар

Билим юртида юксак ма-лакка билан ишчиларни тайёрлашга алоҳида аҳамият берилди. Педагогика коллективи ўқувчилар ўртасида билим бериш сифатини яхшилаш, меҳнат практикасини замон талабига ташкил этиш масаласига кўп эътибор бераётди.

Пойтахтдаги йирик корхона ва ташкилотларнинг буржумаларига кўра билим юрти талабалари турли жиҳозлар, мебеллар тайёрланади. Меҳнатга яраша ҳақ олимоқда. Ўқувчиларнинг ойлик иш ҳақи 50 сўмдан 150 сўмгача бўлиши мумкин.

Билим юртининг ўқув кабинетларидаги жиҳозлар ки-

моқда. Улар ишлаб чиқариш устакхоналарида ҳамкорликда ишлаб, ўз билимларини ошираётлар.

Ишлаб чиқариш таълими мастери Г. Глухов вьетнамлик талабалар билан машгулот олиб боради, педагог А. Айдин эса ахборот ва хисоблаш техникаси бўйича дарслар ўтади. Бундай мураббийлар билим юртида жуда кўп.

Сурагда: Собир Ҳакимов вьетнамлик талаба Хоанг Ким Тхуйга масала ечимда ёрдам бермоқда.

А. НАИМУШИН фотоси (ЎзТАГ).



Ўзбекистонда ЛХДР кунлари МЕҲМОНЛАР— ФАРҒОНА ДИЁРИДА

Ўзбекистонда ЛХДР кунлари қатнашчилари Фарғонага келишди. Улар шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари ва янги қурилган биноларни танишди. В. И. Ленин ҳайкали пойга янги узилган гуллардан гул-дас-талар қўйилди. Меҳмонлар област ўлкашунослик музейида бўлиб, Фарғона водийсининг ўтиши ва ҳозирги кунини тўғрисида ҳикоя қилувчи қўлдан-кўп экспонатлар билан қизиқиб танишди. ЛХДР кунлари қатнашчилари учун Саид Аҳмад пьесаси асосида сурагга олинган «Келинлар кўрсатилди» киномедияси кўрсатилди. Яқинда бу асарни Ўзбекистонлик режиссёр Б. Йўлдошев Вьетнамда сахнага қўйганда. Асарда асосий аёллар ролларидан бирини Бунхун Чанис, эркак ролини Висай Улавонг ижро этган. Иккала актёр ҳам делегация составида Фарғонага келишди.

Лаос вакиллари Фарғона област иккунча комитетинида қабул қилинган. Улар Ўзбекистон енгил саноатининг энг кенс корхонаси — Фарғона тўқимачилик комбинатида бўлишди. Тўқимачилар меҳмонларга кўч-хонанинг меҳнат шон-шукрати музейини кўрсатдилар. Уларни комбинат цехларига тақлиф этдилар.

«Текстильчилик» маданият саройида концерт бўлди. Унда комбинатнинг «Юлдуз» фольклор ансамбли ва Вьетнамнинг «Дўстлик» бадий коллективи ҳаваскор артистлари иштирок этдилар.

МЕКОНГ ДАРЭСИ СОҲИЛИДАН КЕЛТИРИЛГАН ВИСТАВКА

Тошкентда очилган виставка Лаос Халқ Демократик Республикаси фотосурталари ва ҳаваскор расмларининг ижоди, наприётларининг маҳсулоти билан таништирди. Виставка Ўзбекистонда ЛХДР кунлари доирасида ўтказилмоқда. Республика расмлар союзининг кўргазмалар залига икки юздан ортиқ экспонат қўйилган.

Маъмур мамлакат етакчи фотосурталарининг асарлари, шунингдек болалар чизган расмлар тинчлик мавзусига бағишланган. Халқ манзаралари — амалий санъати бўлимида ўзига хос бадий хунарманчилик бўюмлари бор. Бу ерда қўлда қўшилган бўюмлар ва ипак қатнаш-лиги, ёнғоч шохдан қўзилган ёрдоқли бўюмлар, ихчам музика асбоблари намойиш қилинмоқда.

Лаос наприётларида босмадан чиқарилган китоблар, буклетлар, газета ва журналлар ЛХДР илм-фани, экономикаси ва маданияти ривожининг асосий босқичларини тўғрисида, халқ хўжалигининг турли тармоқларида босмадан чиқарилган маъмурият асбоблари намойиш қилинмоқда.

(ЎзТАГ).

СОВЕТ— ФРАНЦИЯ СЕМИНАРИ

18 октябрь кунин Тошкентда «Энергия» тежайидиган технологияни ривожлантириш истибқоли» мавзуда Совет-Франция семинари ўтказилди. Семинарни Ўзбекистон ССР савдо-саноат палатаси Франциянинг энергия тежайидиган техника ва технология миллий уюмчаси билан биргаликда уюштирди.

Семинар ишда республикадаги кўпгина министри-лар ва идораларнинг раҳбарлари ҳамда етакчи мутахассислари иштирок этишди. Совет ва француз мутахассислари кенг кўламли фикрлашиб олдилар, бу соҳадаги биргаликдаги ҳамкорлик программаси белгиланди.

Франция делегациясига Франциянинг Совет Иттифоқидан элчихонаси савдо аттешеси Франсис Аноа бошчилиги қилди. Тошкентга келган делегация составида Франциядаги энг катта фирмалардан бири — «Газ де франс» фирмасининг вакиллари, шунингдек термо-техника проблемалари билан шуғулланувчи мутахассислар бор.

(ЎзТАГ).

XIX Бутунитифоқ партия конференцияси қарорлари—ҳаётга!

Социал ҳодисалардан бири бўлмиш жамоатчилик фикри, айниқса ҳозирги вақтда диққат-эътиборни тортмоқда. Иккунча ҳаётнинг ҳамма соҳаларида барча мутахассислар жамоатчилик фикрини ҳар қачонгидан кўчур ўрганиб, таҳлил этишмоқдалар, башорат қилимоқдалар, социал бошқаруш практикасида уни, албатта ҳисобга олишга ҳаракат қилмоқдалар. Жамоатчилик фикрига бундай муносабатда бўлишнинг анча-мунча сабаблари бор.

Жамоатчилик фикри маънавий ҳаётнинг ўзига хос ифодаси сифатида фикрларнинг реал кучини, унинг белгилари ва ҳусусиятларини билдириш билан бевосита боғланган. Қанчалик кўп кишилар у ёки бошқа фикрларини билдириб қилсалар, у шунчалик таъсирчан ва нуфузли бўлади, ўзи билан ҳисоблашишга мажбур этади. Шу жиҳатларни назарда тутиб, В. И. Ленин бундай деган эди: «миллионларча кишиларнинг ўз турмуш тажрибаларига мос келмаса, улар партияларнинг масалаларига ҳеч вақт қўлоқ солмайдилар».

М. С. Горбачевнинг XIX Бутунитифоқ партия конференциясида қилган доклады айтилганидек, ҳозир биз иккунча оғир уйғота олдик, лоқайдлик ва бегоналашувни бартараф қила олдик. Энди масала уйғотилган мана шу оғир қаёққа боради, иккунча фикр қай йўлдан ривожланади, йўсинида қўйилмоқда.

Партия конференцияси материалларида партия, давлат органлари, жамоат ташкилотлари ишнинг кенг ошқорчилигини, жамоатчилик фикрини энг оқилона шакллантириш ва унинг амалий ишларга таъсирини оширишни таъминлаш зарурлиги яққол сезилиб турди. Бу принципал йўл-йўраклар, аввало, КПСС XXVII съездининг мажлашларини асоси омманинг иккунча, бу иккунча демократия, ошқоралик ҳамда ҳаётини ҳар қандай майда буржуа психологияси кўринишларидан тозалашга, бинобарин, жамоатчилик фикрига зарур йўналиш ва интенсивлик бағишлайди, деган муҳим қондасига асосланади.

Янги ўтмишда мамлакатда ва республикамизда юз берган салбий ҳодисалар ва турғунлик ҳолати айниқса, ҳаётнинг чинакам социалистик мазмунини сусайтириб юборди. Бунинг оқибатида социалистик практикага пур-тур етди. Бюрократизм авж

характерлики, сўраб чиқилган кишиларнинг 60 процентдан кўпи иккунча ҳаётини қайта қуришнинг конкрет проблемаларига катта ки-чилик билан қарамоқдалар, 77 процентдан кўп қисми эса ўз коллективни, бригадаси, цехи, участкаси, муассасаси, шахар ва районини ривожлантириш проблемаларидан кўпроқ хабардор бўлишча янгиланди. Лекин бунда шунинг ҳам айтиш керакки, ҳодимларнинг 5—8 процентини қайта қуришнинг боришдан яхши хабардор, ишчиларнинг 17 процентга яқин

га ёлғиш олиш ҳамон давом этимоқда. Меҳнатга ҳақ тўлашда, текисчилик халқ ҳам кўп жойларда бартараф этилмаган. Кадрларни танилаш ва жой-жойга қўйишда кўпгина камчиликлар бор. Сўраб билинганларнинг 50 процентдан кўпи катта лавозимдаги раҳбарлар билан бўлган шахсий муносабат ҳал қилувчи роль ўйнайди деб ҳисоблайдилар. Коллектив ва жамоат ташкилотларининг фикри ҳисобга олинатганлигини саволларга жавоб берганларнинг аттиги 11,9 процентни тасдиқлади.

димларнинг 45 процентини ўзининг бевосита раҳбарини танқид қилишдан қўйишди, корхона раҳбарларининг 27 процентини, партия комитетлари секретарларининг 27 процентини, комсомол комитетлари раҳбарларининг 20 процентини, касаба союзи етакчиларининг 35 процентини шулар қаторига қиради. Корхоналарда қайта қуриш масалаларини, илгор тажрибани кенг ёйиш, кадрларни бошқа ишга ўтказиш, уй-жой, муқофот, йўланмаларини тақсимлаш масалаларини

кўпроқ демократия бўлсин, деган формулада ифодаланмоқда.

Иқтисодий ислохотнинг мақбуллиги оқибат натижада иқтисодий, илмий-технавий ва социал таракқий стимулларнинг кучли системасини яратишдан иборат тарихий вазифани нечоғлик ҳал этилди, пилани раҳбарлини шахс ва коллектив манфаатларига энг мақбул ва самарали уйғунлаштириш билан белгиланади. Бунинг учун хўжалик юритиш нуктадан назардан янгича фикрлаш, янгича ахлоқий қондалар, ишнинг ҳар бир босқичида ва участкасида кишиларнинг юксак сийсий, профессионал ва ахлоқий фаиллатларини шакллантириш лозим бўлади. Меҳнат коллективларида хўжалик механизмининг қайта қуриш жиддий ўзгаришлар ясади. Бу оғир томон муваффақиятли ҳаракат қилиш учун қудратли дастур бўлади. Шундангина хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш, ўз-ўзини бошқариш кишилар томонидан «юқоридан кўрсатма» эмас, балки ўз мақсади ва вазифаси деб қабул қилинади. Бу, жумладан, моддий ишлаб чиқариш ҳодимларининг иш ҳақини ошириш принципини ўзгариштиради. Бундан бўён иш ҳақи ҳар бир меҳнат коллектив томонидан ишлаб топилган маблағлар ҳисобига ўсиб боради. Масалалар шу йўсинда қараш мамлакатимиз ишлаб чиқарганига қараганда ундан кўп истеъмол қила олмайдиган принципига тўла мос келган бўлур эди.

Ишлаб чиқаришда ўз-ўзини бошқаришни янги формалари тобора кенг авж олмоқда. Бригада бошлиқлари ва мастерлар, цех, йиғинашлар ва корхоналарнинг раҳбарларини сайлаб қўйишга ўтиш тажрибаси ўзига тобора кенг йўл очмоқда. Барча мансабдор, сайланган ва тайинланган шахсларнинг меҳнат коллективлари ва аҳоли олдига мунтазам ҳисоб бериб туришлари тажрибаси тобора кенг қўлланилмоқда. Салво системасини тақомиллаштириш, маҳаллий Советларга депутатликка номзодларни танилаш ва рўйхатда олишга янги ҳаётдаги практика тусини

ҚАЙТА ҚУРИШ ВА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ

Тегилли моддий-техника базаси билан етарли даражада таъминланганлиги, бошқаруш ва пиланлаштириш даражасининг пастлиги ҳам қайта қуриш жараёнига халқат бераётган омиллар қаторига қиради. Бир қатор раҳбарларнинг янги ҳақ тўлашга етарли даражада тайёр эмаслиги, уларнинг бир қисми эскирган усулларга одатланиб қолганлиги, ўз фаолиятини танқидий баҳо бера олмайдиган, ўз шахсий намунаси билан социал адолат ва жамятининг демократиялашувни принципларини қарор топтира олмаётганлиги ҳам қайта қуриш ишига тўсқинлик қилмоқда.

Тадқиқот жараёнида шу нарсга ҳам маълум бўлдики, бутунги кунда қайта қуришнинг боришга таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлган ҳодимлар сони бирмунча оз. Ҳодимларнинг 20—22 процентини ўз меҳнат коллективларида қайта қуришнинг турли томонлари бўйича ўз фикрларини билдирдилар. Бу аввало шу билан боғлиқки, бу жойларда ошқоралик етарли даражада йўлга қўйилмаган. Олдий хо-

муқоама қилишда ҳам ошқоралик етишмапти.

Тадқиқотларимизнинг таҳлили бирмунча салбий қўйишдаги социал ҳодисаларни аниқлаш имконини берди. Биринчидан, кишиларнинг иккунча, давлат мулкига берақ муносабатда бўлишлари, иккинчидан, корхона қарағанда юқори даражадаги бошқарув ишларида қатнашадиган берақлиқ яққол кўзга ташланмоқда.

Бундан шундай хулоса кели чикадики, расмиятичи турғунлик даврида уч-қур йилда отган бўлиб, қўйиш жамят ишларига кўпчилик қизиқмас эди. Йинойчи, жамятининг социал қиёфасига ва уни назорат қилиб туришга шундай меҳнат яратиш керакки, кишилар жамят ишларини бошқаришга фаол қатнашсинлар.

Турғунлик ҳолатига таъминла хотима бериш учун ҳозирги вақтда экономика бошқаришининг ахлит, самарали ва етчил системаси ўзига кенг йўл очмоқда. Бошқарувни тубдан ислоҳ қилишнинг маъноси ва йўналишини кўпроқ социализм,

Қайта қуриш социалистик демократизм тўла намоён бўлган, киши ўзини ишлаб чиқаришда ва иккунча ҳаётда тўла хўжалик, деб билган шартнодагина амалга оширилиши мумкин, дея унқиради М. С. Горбачев. Ёш ўзгашган тақдирларда кўра ишчиларнинг аттиги 29,2 процентини жамоат тошқиринини бажаради. Айни вақтда уларнинг 69,6 процентини ўларнинг тақлифлари ва мулоҳазалари ҳисобга олиниши билан қисман ёки чала қоникш ҳосил қилмадилар. Раҳбарлар ҳар доим ва ҳамма жойда ҳам жамоатчиликка асосланиб, қарор қабул қилмадилар. Ваҳоланки, бу тақлиф ва мулоҳазаларда қайта қуришнинг қўллангидек амалга оширишнинг конкрет тавсиялари мавжуд. Бунинг устига хўжалик юритишнинг эски механизми, ривожланишнинг экстенсив формалари-

Хоразм ва Тошкент:



КОСИЛ-88

ПЛАН БАЖАРИЛДИ, НАВБАТ МАЖБУРИЯТГА!

ТЕХНИКА—БУГУНИМИЗ, КЕЛАЖАГИМИЗ

Бу йил пахта йили бўлди, дейишмоқда деҳқонларимиз. Ҳақ гап. Мен кейинги ўттиз йил мобайнида табиатнинг бундай инъомини кўрмаганман. Чегитни эшикдан тортиб ҳосилни йиғиштириб олгунга қадар ҳаво туриб берди. Бу — одамлар кайфиятини кўтарди, машиналарнинг серурум ишлашига йўл очди. Қолхоз тарихида биринчи марта пайкалларда энг кўп ҳосил тўпланди ва йиллик план 11 кунда бажарилди. Ҳўжалигимиз пахтакорлари обалдада биринчи бўлиб галаба рапортини бердилар. 5 октябрда эса социалистик мажбурият адо этилди. Ҳозирги кунгача ҳўжалигимиз давлатга 4300 тонна хом ашё сотдилар. Бу планда белгиланганидан 1368 тонна кўп, демаски. Ҳар гектар ер ҳосилдорлиги 39 центнерни ташкил этди. Айрим бригадалар биринчи теримнинг ўзидаёқ 30 центнердан хирмон кўтардилар. Маъжуд ўн бешта бригаданинг ҳаммаси мажбуриятларини ҳам ошириб бажардилар. Юсуф Султонов, Турғун Эгамбердиев, Шокир Турдиев бошлиқ бригадалар ҳар гектар майдондан 45-50 центнердан ҳосил олдилар. Бутуниттифок XIX партия конференцияси делегати Эркин Каримов бош бўлган 4-бригада аъзолари эса ҳосилдорликни гектар бошига 40 центнерга етказдилар.

Ҳўш, бундай муваффақиятга қандай қилиб эришилди? Мақтаниш эмас, маъмурият, партия ташкилотимизнинг одамларга бўлган меҳр-оқибати, таълим-тарбияси, роль ўйнади. Терим авжга кўнган пайтда пахтакорларда хизматини шийпонда, даланинг ўзида ташкил этдик. Деҳқон магазини ташвишдан қутилди. Вақтини тежади. Иш унуми ортди.

Тула ҳўжалик ҳисобига ўтиб ишлаётганимиз ҳам ната аҳамият касб этди. Меҳнатни аниқ ташкил этиш, теямкорликни қатъий риоя қилиш ва ушшоқлик — терим суръати ҳамда сифатини оширишда муҳим омил бўлди. Ями ҳосилнинг 58 проценти биринчи ва 30 проценти иккинчи сортларга қабул қилинди. Фақат пахтачиликнинг ўзидан 3 миллион сўм даромад олингани кутилмоқда. Бу — ўтган йилга нисбатан бир миллион сўм кўп, демас.

Хом ашёнинг 3832 тоннаси ёни ҳосилнинг 89 проценти машиналар ҳиссасига тўғри келди. 22 та «зангори кема»нинг ҳар бири билан ўртача 174 тоннадан пахта териб олинди. Алайов Холмиров, Абдуманнон Аҳмедов, Рустам Абдуразақов сингари механизматорларнинг хирмонга қўшган улушлари 225-230 тоннани ташкил этди. Қисқаси, техника ҳосил тақдирини ҳал қилишда асосий омил бўлди.

Коллективимиз меҳнат аҳлининг йилгўл районидан «Коммунизм» колхоз пахтакорлари билан мусобақа ўйнаганини ҳам таъкидлашни истардим. Мусобақа шартларида ҳар икки ҳўжаликда илмий асосланган агротехника қондаларига қатъий риоя қилиш, меҳнатни ташкил этишнинг янги усуллари янги эриш, ҳосилни ҳашарчиларсиз йиғиштириб олиш каби муҳим тадбирлар бор. Иккала коллективнинг илтимосига кўра мусобақага республика уруш ва меҳнат ветеранлари Совети ҳакамлик қилмоқда. Бу ташаббус Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланди. Ўйлайманки, бу хайрли ишни кўпчилик қўллаб-қувватласа керак.

Оқирги сўз — яна машиналар ҳақида. Қишлоқларда унга ҳал қилувчи куч деб қаралишни истардим. Чунки, у бу йил ҳам областимиз, районимиз ва колхозимиз мисолида суръатини жаллалтирувчи омил сифатида ўзини кўрсатди. Шу боис, биз унга ишонамиз. У бизнинг бугунимиз, эртамыз ва келажакимиздир.

Миразиз РЎЗМАТОВ, Ўрта Чирчиқ районидан «Хўрмат белгиси» ордени Оқунбобоев номида колхоз правлениеси раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.



ЮЗИМИЗ ЁРУҒ БЎЛАДИ

Бутуниттифок XIX партия конференцияси давом этаётган пайтда Ўзбекистон делегатларидан бир гуруҳининг Москвадаги ҳарбий қисмлардан бирига жангчилар билан учрашувга таклиф этилди. Гуруҳда Зикир Муҳаммаджонов, Фикрет Сефербаев, Волида Мусаева ва мен бор эдик. 500 нафар вақтинчалик ҳарбийлар тўп-ланган катта залда эдик. Улар орасидан ўзбекистонлик жангчиларини ақратиб олиш қийин эмасди. Ингитларимиз ўз тенгдошларидан бўйбаст, мингту жуссаси билан фарқ қилиб турарди. Мен ҳамюртларимни кўриб, ҳақ жонларим кетди.

Набатим келиб гап-раётганимда, кўзим жангчиларга, ҳаёлим қадр-қадрига қайта эди. «Ишлар қандай кетаётган экан, меннинг йўқлигимни билдиришмасмикин, ишқилиб, кўзда ер чизиб қолмайлми», деган ўй вужудимни қамраб олган эди.

Мана, куз ҳам келди. Гал-вир кўтарилди. Пудратчи бригадалар аъзолари ер чизиб қолмади. Дарвоқе, 15 йилдан бери бригадамиз миришкорларни планни мутасил бажариб келишди. Бу йил ҳам 40 гектар ердан пландаги 31 центнер ўғитга 36 центнердан хирмон кўтардик. Ҳосил салмоғи 137 тоннадан ошиб кетди. Шундан 128 тоннасини биринчи сорта топиридик. Йиллик план 6 октябрда, мажбурият эса шундан икки кун ўтгач бажарилди. Ями ҳосилнинг 90 процентдан ортиги машиналарда териб олинди. Бу борада механизматоримиз

Нурмуҳаммад Абдуқодировнинг жонбозлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Чевар теримчиларимиздан Саида Рўзиевнинг ҳам ўзларининг 6—7 тонналик улушлари билан хирмонга барака киритилди. Қолаверса, меҳнатни ташкил қилишнинг пудрат усули жонимизга оро кирди. Ўтган йили ҳаражат қилинган ҳар бир сўмимиз бир сўм 32 тиын бўлиб бригада ҳисобига бандил. Ҳар бир пахтакорнинг ойлик иш ҳақи ўртача 190—210 сўмга ўтди. Юнордига икки кўрсаткич юрий йил якунида яна ҳам кўпайиши кутилмоқда. Пудрат шарофати туфайли барча ҳосилни ўз кўчимиз билан йиғиштириб олдик. Ахир, деҳқонлар ризқини ҳашарчиларга улашишдан нима фойда?

Колхозимиз бўйича ҳам ишлар чакни эмас. Пландаги 1835 тонна «оқ олтин»нинг 1770 тоннаси биринчи сорта топиридик. Ҳосилнинг 80 процентдан кўпроғи машиналар ҳиссасига тўғри келди. Колхозимизнинг давлатдан 4 миллион сўм қарзи бор эди. Сўнгги бир йил кичида унинг бир ярим миллион сўминини уздик.

Далада ҳали пахта бор. Ҳосилдорликни бригадамизда 40 центнерга етказмоқчимиз.

Тожиқон ҲАМРОБЕКОВА, йилгўл шаҳри қишлоқ зонасидаги Калинин номида колхоз бригада бошлиғи, Бутуниттифок XIX партия конференцияси делегати.

Ўрта Чирчиқ районидан Оқунбобоев номида колхознинг Турғун Эгамбердиев бошлиқ бригадаси пландаги 26,3 центнер ўғитга 45 центнердан ҳосил кўтарди.

Суратларда: бригада бошлиғи Т. Эгамбердиев ва «зангори кема»лар билан пахта терим пайти.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотолари.

ШАҲАР — ҚИШЛОҚ МУНОСИБ УЛУШ

Анъанга кўра ҳар йили Бекобод шаҳри ишчилари йил-терим мавсумида пахтакорларга баҳоли қудрат ердан бериб туришади. Бу йил ҳам улар Бекобод районидан 1-«Далварзин» совхозини ва Навоий номида колхозга ҳашара чидилар. Ҳар икки ҳўжаликда ҳашарчиларини илқ қилиб олишди. Шаҳарликлар бунга беминнат меҳнатлари билан жавоб бердилар. Ансарият ҳашарчи коллективлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шароф билан бажаришди.

Темир йўллар ва автомобиль транспорти ишлаб чиқариш бirlашмаси 300 тонна, цемент комбинати 150 тонна, темир-бетон буюмлари комбинати 120 тонналик хирмонлари билан пахтакорларга қўмақлашдилар. Бекобод шаҳар ишчи-хизматчилари терган пахта 2370 тоннадан ошиб кетди. Қурилиш нормаларини ошириб бажарган ишчи ва хизматчилардан Э. Султонов, Н. Шайхидинова, А. Сайдаметова, С. Рамазанов каби қозлаб ҳашарчилар район хирмонига муносиб улуш қўшдилар.

Б. САТТОРОВ, ишчи.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида

шу йил 19 октябрда бўлган

МАЪЛУМОТ

Областлар	Бир кунча	Мансум солинган	Шу жумладан машинада терилгани	
			Вир кунча	Мансум бошдан
	(Планга нисбатан процент ҳисобида)		(Топпириқча нисбатан процент ҳисобида)	
Хоразм	0,98	99,05	0,73	59,51
Тошкент	1,16	98,95	1,02	103,66
Қашқадарё	1,45	90,13	1,20	77,56
Бухоро	2,05	89,88	1,65	70,83
ҚАССР	1,32	84,38	1,18	83,05
Сирдарё	1,70	82,37	1,78	91,95
Сурхондарё	1,46	80,40	1,30	93,23
Фарғона	1,53	79,28	0,54	37,85
Наманган	1,39	77,91	0,99	54,60
Самарқанд	2,06	62,22	2,73	56,31
Андижон	1,05	62,07	0,38	25,35

Республика бўйича:	1,50	81,16	1,30	69,99
Шу жумладан илгичка тоналл пахта:				
Сурхондарё	1,67	91,44	2,15	154,29
Қашқадарё	2,40	83,73	3,89	122,21
Наманган	1,94	83,22		
Самарқанд	3,04	66,63	3,40	32,73
Бухоро	0,38	10,82	0,50	1,20

Республика бўйича:	1,84	84,67	2,75	137,45
--------------------	------	-------	------	--------

РАПОРТЛАР ОҚИМИ

◆ Хоразм областининг Урганч району пахтакорлари галаба рапортига имзо қилдилар. Улар давлат қабул пунктларига 70500 тонна дурдона топиридилар. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми юқори сортларга сотилди. Бундан район ҳўжаликлари катта даромад олдилар. Қолхоз ва совхозларда меҳнатни ташкил этишнинг янги усули — бригада ва оила пудрат асосида иш юритилганлиги ютуқлар омили бўлди. Бинобарин ҳар бир оилавий асно пировард натижа учун астойдил ҳаракат қилди. Чапаев номи, Оқунбобоев номи, «Ленинград», Ленин номи, «Москва» колхозлари бу галабага муносиб улуш қўшдилар. Айниқса, Чапаев номи колхоздан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Ҳ. Худойберганаева бошлиқ бригада катта ютуққа эришди. Коллектив йиллик планни 130 процентга удалади.

◆ Свердлов району пахтакорлари эса Бухоро областидан биринчи бўлиб йиллик планни бажарди. Давлат қабул пунктларига 49100 тонна сифатли хом ашё топириди. Ҳозирги кунгача ҳар гектар майдондан олинган ҳосил 30,8 центнерни ташкил этди. Эришилган му-

ваффақиятга Гагарин номи, «Ўзбекистон», Свердлов номи, Оқунбобоев номи, «Коммунизм», Киров номи колхозлар, «Авангард» ва «Андижон» совхозлари муносиб улуш қўшдилар. Айниқса, «Ўзбекистон» колхозидан ҳосилдорлик юқори бўлди. Бу ерда ҳар гектар майдондан 35 центнердан «оқ олтин» олинди. Район пахтакорлари имкониятларини чамалаб кўриб, она-Ватанга яна 3 минг тонна дурдона етказиб беришга аҳд қилдилар.

◆ Амударё районидан «Партия XXII съезди» колхоз Қорақалпоғистон Автоном республикасида биринчи бўлиб йиллик планни бажарди. Ҳар гектар майдондан олинган ҳосил 25,4 центнерни ташкил этди. Давлатга 4 минг тоннадан зияд пахта сотилди. Зарфинослар давлатга яна 800 тонна пахта топириб, ялпи хирмонини 4800 тоннага етказишни қўлашмоқда.

◆ Шу райондаги Крупская номи колхоз меҳнаткашлари ҳам йиллик маррани муддатидан алғари эгалладилар. Давлатга 2725 тонна хом ашё сотилди. Миришкорлар она-Ватанга яна 300 тонна «оқ олтин» етказиб беришни ният қилдилар.

Автоном республика ҳўжаликларида шולי топириш қизғин давом этмоқда. Шу кеча-кундузда шולי ўриш, янгиш ва тайёрлаш кузги-қишқи ишлар билан қўшиб олиб боришмоқда.

Р. ЕШИМБЕТОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

БИРДАМЛИК МИТИНГИ

19 октябрь куни Тошкентда Афғонистон халқи билан бирдамлик митинги бўлди.

Митингда республика пойтахтида ўқитган афғонистонлик студентлар иштирок этишди.

Иккала мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб, ривожланиб бормоқда, дейишди сўзга чиққан кишилар. Ўзбекистон бу дўстликни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Ўзбекистон ССР областлари ва Афғонистон Республикасининг шимолӣ вилоятлари ўртасида мустаҳкам алоқалар йўлга қўйилди. Турли делегациялар юбориб туриш тобора мунтазам тус олмоқда.

Опозициянинг кирдиқорлари, тинч шаҳарлар ваҳишона бомбардимон қилиниши озолик, демократия ва тараққиёт йўлини таянб олган афғон халқини тўхтада олмайдн. Совет кишилари

(ЎЗТАГ)

Гавҳар ерда қолмайди

Ҳазорасп районидан Жданов номида колхоз партия ташкилотининг секретари Раъно АБАЗОВА ҳикоя қилади

Шу ойнинг бошлари эди. Колхозимизда пудратчи Тўхтаев Каримов шарафига байроқ кўтарилди. Ўша кун у ҳўжаликда биринчи бўлиб шартнома планини бажарди: икхтиридаги 2 гектар пахта майдонининг ҳар бирдан эл хирмонига 27 центнердан «оқ олтин» тўқди. Тўхтаев байроқ остида: «Тўпланган 5,5 тонналик ҳосилимиз салмоғини мавсум охиригача яна бир тоннага оширамиз!» дея ваъда берди. У бу сўзининг ҳам устидан чиқди!

Колхозимизда Сўна Рўзиева, Гулчехра Давлатова, Ёро Бакиева сингари унлаб пудратчилар ҳам ана шундай қувончли ютуқлар соҳиб бўлганлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Батван ўйлаб қоламан: турмушдаги йиллари одамларнинг меҳнатга ва ҳосил самарадорлигини оширишга бўлган иштиғи неча пайоғиб кетган? Чунки, терим декабрининг аёли кўнларига-ча давом этса ҳам планлар ярим йўлда тўхтаб қолар, кейин ҳар қил қўшиб эшиш, алдаш, кўз бўяш сингари ҳийла-найранлар ишлатиларди. Энди-чи?

Энди давр ўзгарди. Жамиятимизда, турмушимизда,

оингимизда қайта қуриш бошланди. Меҳнатга, воқеаларга янгича муносабат шаклланди. Бригада, коллектив, оила, ижара сингари илғор иш усуллари — пудрат юзга келди. Деҳқон меҳнати илғулайдиған бўлди. Илгаригидек ишламай тишлайдиганлар учун ҳар қил «тўй-ник»лар йўли бекилди. Маош тақсимотидаги текисчилик ҳолатларида бутунлай барҳам берилди. Бошқача айтганда, ер ўзининг ҳақиқий соҳибини топти. Соҳиб эса биронинг бўйруғига, кўрсатмасига муҳтож эмас. У ўз ишини билб қилувчи ҳўжалик, мутахассис, тадбиркор деҳқон.

Районимизда ана шундай ер соҳиблари бу йил 3942 нафарга етди. Бу — шунча миқдордаги оилавий пудратчи зveno дегани. Не бахти, бугун уларнинг барчаси зафар маррасида турибдилар. «План тўлди!» деб халққа, Ватанга, партияга рапорт бермоқдалар.

Колхозимиз тиклаган салкам 4 минг тонналик хирмон салмоғи тобора ошиб, ҳосил терими давом этмоқда. Гавҳар ерда қолмайди...

«ЗАНГОРИ КЕМА»ЛАР ШАРОФАТИ

Областимиз пахтакорларининг меҳнат галабаси барча меҳнаткашлар қатори колхозимиз деҳқонларини ҳам чексиз қувонтирди. Чунки, катта меҳнат эвазига ўйланган улкан хирмонда районимиз, ҳўжалигимиз меҳнат аҳлининг, қолаверса ўзимизнинг улуғимиз бор.

Очгини айтганидан бўлсам, кўпчица айрим пахтакорлар далада ҳосил чўғи ҳам бўлиб қолса, ҳамма айбон об-ҳавога ағдарилса ҳаракат қилишади. Бу менимча унча тўғри эмас. Тўғри, об-ҳаво деҳқончиликка бирмунча таъсир кўрсатиши мумкин. Лекин пахтакор тадбиркор бўлса ҳар қандай қийинчиликларни енгиб, кўнгиладгидек ҳосилни етиштириши мумкин.

Районимиз пахтакорларининг омилдорлиғи туфайли ўтган йилги қийин шароитда ҳам йиллик планни республикада биринчи бўлиб бажаргани. Бу йил ҳам ўтган йилги галаба такрорланди. Зафар марраси барвақт эгалланди. Бу муваффақиятга ҳамма ҳўжаликлар, айниқса, колхозимиз аъзолари баракали улуш қўшди.

Биз бу йилги қулай табиий шароитдан самарали фойдаланиш учун астойдил ҳаракат қилдик. Ишчимизнинг унумли, ҳосилимизнинг мўл бўлишида меҳнатни ташкил этишнинг янги самарали усули — бригада, оила пудратига катта роль ўйнади. Чунки пудратчи коллектив қанча мўл ва сифатли ҳосил етиштирса ва уни ўз вақтида йиғиб-териб олишни таъминласа даромади ҳам шунга яраша бўлиши яхши билади. Шунинг учун ҳам ҳамма пудратчи коллективлар эа бўйи ҳалол тер тўкиб, барча пайкалларда

мўл ҳосил етиштиришни таъминладилар.

Маълумки, табиат йиғим-теримга оз вақт акратади. Агар техникадан самарали фойдаланилмаса, катта меҳнат эвазига бўёб этилган ҳосилни бўй бериб қўйиш мумкин. Шунинг учун биз гўзаларни машинабон қилиб ўстириш билан мавсумга пухта ҳозирлик кўрдик. Дефляциянинг маъбул мўлдатда ўтказиб, баргининг тўла тўқилишини таъминладик. Машиналар учун кенг иш фронтини очилди. Мавсум олдиндан ҳар бир механизматорга конкрет топириқлар берилиб ва унинг икроси устидан қаттиқ назорат ўрнатилди. Социалистик мусобақа якунларини чиқаришда терилган пахта салмоғи билан бирга хом ашё сифати бош мезон қилиб олинди.

Мен терим арафасида 180 тонна пахта териш мажбуриятини қабул қилган эдим. Ҳозир шунинг мамнуният билан айта оламани, сўзимнинг устидан чиқдим. Лекин ҳали далада ҳосил мўл. Ҳамкасбларим Уктам Маматов, Йўлдош Маҳмудовлар билан бор ҳосилни сўнгги чаногига янгиб-териб олишга ҳаракат қилишимиз.

Колхозимизда йил бошида 4938 тонна пахта тайёрлаш мўлжалланган эди. План ортиғи билан бажарилди. Энди ялпи хирмонни 5500 тоннага етказишни мўлжаллаб турибмиз. Ҳайрат-шижоатни сусайтирмай, янги маррани ҳам ортиғи билан эгаллаб, республикамиз улкан хирмонига галаба байроғи қадаладиган кунни яқинлаштиришга ҳаракат қилишимиз.

Қўнал МАВЛОНОВ, Ҳонқа районидан «Победа» колхози механизатори.

ТЕРИМ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Бу йил чинакам матиода пахта йили бўлди, деса ҳам то бўлмас. Ҳўшам қулай келди, чегитни вақтида, агротехник муддатларда экиб олдик. Ўзга парвариши обитобида ўтди. Айниқса, оилавий звенолар ташкил этишга алоҳида эътибор бердик. Меҳнатни ташкил этишнинг бу илғор усули пахтачиликни янада ривожлантириши мумкинлигини 320 дан зияд оилавий пудрат звенолари тўла исботлашди.

Пудратнинг афзаллиги, хусусан пахта йиғим-терими даврида аққол сезилди. Рўзигул Матқубова, Жуманазар Мелибоев, Улликун Юсупова, Бикажон Рўзиев, Улликун Давлатова бошлиқ звенолар ўзларига бириктирилган майдонларнинг ҳар гектаридан 40—48 центнердан дурдона йиғиштириб олишди.

Меҳнаткашлар учун эрта баҳорданёқ қулай шарт-шароитлар яратдик. Дала шийпонлари меҳнаткашларнинг иккинчи уйи бўлиб қолди. Уларда мунтазам иссиқ оққат, чой, маданий-маиший, медицина, савдо хизматлари ташкил этилди.

Бригадалар ва звенолар аро социалистик мусобақани намунали уюштирдик. Унинг натижалари ҳар беш кунда якунлаб борилди. Пировардидан, натижа салмоқли бўлди. 9 октябрь куни йиллик планни бажариб, мажуд 1145 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28,5 центнердан дурдона йиғиштириб олдик. Давлат қабул пунктларига 3260 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Бунинг 70 проценти биринчи сорта топиридик. Даромадимиз ҳозирча тахминан 2 миллион 680 минг сўмга етмоқда.

Ҳўжалигимиз хирмони таъинишда Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Разоқберди Отажонов бошлиқ бригада заршўносларининг муносиб ҳиссаси бор. Улар 95 гектар пахта майдонидан 330 тонна дурдона йиғиштириб олинди. Йўлдош Худойназаров, Қурбан Абдалов, Аҳмад Саидматов, Очил Саидматов, Қадамбой Давлатов, Озод Каримов, Болтабой Жуманиевлар бошлиқ ўнлаб бригадалар ҳам мусобақада пешқадамлик қилдилар.

Бу йилги шароитда ҳосил тақдирини асосан машина-механизмлар ҳал қилди. «Зангори кема» капитанларимиз айниқса, баракали ишлашди. Ёш коммунист Бойназар Собиров ўз аргументи бунеридан 275 тонна пахта тўкиб, кўпчиликка ибрат бўлди. Йўлдош Сафоев, Отажон Ибодуллоев, Абдулла Сатторов каби илғор меҳнат қайдоқчилар ҳам 150—200 тоннадан пахта териб, зиммаларига олган мажбуриятларини ортиғи билан бажардилар.

Колхозимиз меҳнат аҳли далададаги бор ҳосил, куч ва имкониятларни ҳисобга олиб, Ватанга яна 420 тонна пахта сотишга, ҳосилдорликни гектар бошига 32 центнерга етказишга қарор қилган. Шу боис терим суръатини бўшаштирганимиз.

М. МАДРАҲИМОВ, Янгиряқ районидан Киров номида колхоз правленисининг раиси.

